

Иш рақами [REDACTED]
Биринчи инстанцияда раислик
қилган судья - [REDACTED]

Кассация инстанциясида
маърузачи судья - Б.Б

НАМАНГАН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2025 йил январь ойининг 7 куни, Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг видеоконференцалоқа тизими орқали ўтказилган очик суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: Д.М,

ҳайъат судьялари: А.И ва Б.Бдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси М.Днинг котиблигида, тарафлардан Наманган вилояти прокуратураси бўлим прокурори Ж.Х, судланган И.Снинг ҳимоячиси - адвокат Т.С, жабрланган А.Мнинг иштирокида, И.Сга оид жиноят ишини ҳимоячи Т.С, жабрланган А.Мнинг кассация шикоятлари асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] судининг 2024 йил 5 сентябрдаги ҳукмига кўра:

[REDACTED], 1985 йил 18 мартда Наманган шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг 2017 йил 9 январдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 244²-моддаси 1-қисми билан 7 йил озодликдан маҳрум этиш жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2020 йил 3 февралдаги ажримига асосан ЖКнинг 74-моддаси тартибида ўталмаган 3 йил 5 ой 4 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилган,

2) жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани судининг 2022 йил 29 ноябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан 60,62-моддалари тартибида, 1 йил 9 ой 21 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, жазонинг 8 ой 21 куни ўталмаган, [REDACTED]

[REDACTED] яшаганга,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан 57-моддасини қўлаб, 5 йил, 59-моддаси 8-қисми, 61-моддаси тартибида 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

И.Сдан жабрланган А.Мга 65.781.350 сўм ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, И.С 2021 йил августда Наманган шаҳри ҳудудида А.Мга фуқароларни Кореяга ишга юборадиган фирмаси борлиги, фирмаси орқали [REDACTED] Кореяга ишга юбришини айтиб алдаб, 5.000 АҚШ долларини;

2022 йил июлда А.Мга омборхонасида товарлар учун тўловга керак бўлаётганлиги айтиб алдаб, 200 АҚШ долларини такроран фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда айбли деб топилган.

Ҳимоячи Т.С кассация шикоятда, жабрланган [REDACTED] етказилган зарарлар тўлиқ қоплангани ҳақида важлар келтириб, И.Сга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Жабрланган А.М кассация шикоятда, унга И.С томонидан етказилган зарар тўлиқ қоплангани, И.Сга даъвоси йўқлиги сабабли унга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Судлов ҳайъати, судья Б.Бнинг иш бўйича маърузасини, прокурор Ж.Х, ҳимоячи Т.С, жабрланган А.Мнинг жиноят оқибатида етказилган зарарлар тўлиқ қоплангани сабабли судланганга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш ҳақидаги фикрларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини қонунга мувофиқлаштирган ҳолда ўзгартиришни, кассация шикоятини эса қаноатлантиришни лозим топди.

Судланган И.Снинг суд ҳукмида кўрсатилган такроран фирибгарлик жиноятини содир этганликдаги айби, ўзининг суддаги айбига тўлиқ иқроп бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланган А.М, гувоҳ К.Мирзаевнинг суддаги И.Снинг жиноий ҳаракатларини тўлиқ фош қилиб берган кўрсатувлари, жиноят ишидаги ариза, воқеа жойини кўздан кечириш, нарсани олиш баённомалари, тилхат, телефондаги ёзишмалар ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан исботланган.

Биринчи инстанция суди иш ҳолатларини тўғри аниқлаб, И.Снинг А.Мни ишончига кириб алдаб, унинг мулкани такроран фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликдан иборат жиноий ҳаракатларини ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилиб, жабрланган А.Мга етказилган зарар қопланмагани сабабли унга қонун доирасидаги озодликдан маҳрум қилиш жазосини асосли ва адолатли тайинлаган бўлса-да,

кассация инстанция судида жабрланган А.М жиноят оқибатида унга етказилган моддий зарарлар судланган И.Снинг яқин қариндошлари томонидан тўлиқ қоплангани ва унга даъвоси йўқлигини баён қилиб, бу ҳақдаги аризасини судлов ҳайъатига тақдим қилди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмида, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарори 9-бандида, жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилиши, шу муносабат билан қонуннинг мазкур нормаларида назарда тутилган шарт бажарилган ҳолларда тегишли кассация, кассация инстанцияси суди, моддий зарар қайси судлов босқичида қопланганлигидан қатъи назар, қамокда сақланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси турини, озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни

чеклаш жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан эса, жазо турини ўзгартириш масаласини дарҳол ҳал этиши шартлиги тушунтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасига кўра, инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори 1-бандида, судлар жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги;

3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тушунтирилган.

Юқорида қайд этилган асосларга кўра, кассация инстанцияси судланган И.С жинояти оқибатида жабрланган А.Мга етказган моддий зарарни унинг яқин қариндошлари томонидан тўлиқ тўланганини инобатга олиб, унга тайинланган жазони қонунга мувофиқлаштирган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ўзгартириб, жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2022 йил 29 ноябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан ҳамда ЖК 60-моддаси тартибида тайинланган жазони ўталмай қолган 8 ой 21 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини 59-моддаси 8-қисми тартибида қисман кўшиб, узил-кесил жазо тайинлаб, ЖК 62-моддасига асосан қамоқда сақланган ҳар бир кунини 3 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳисоблаб, тайинланган жазодан чегириб, уни жазони ижро этиш муассасасидан қамоқдан озод қилишни, кассация шикоятларини қаноатлантиришни лозим топди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 509⁷, 509⁹, 509¹⁰ - моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси

а ж р и м қ и л д и:

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] судининг 2024 йил 5 сентябрдаги [REDACTED] нисбатан чиқарган ҳукми қонунга мувофиқлаштирилган ҳолда ўзгартирилсин.

И.Сга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

И.Сга ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 8 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ЖКнинг 62-моддаси тартибида И.Снинг 2024 йил 5 сентябрдан 2025 йил 7 январга қадар қамоқда сақланган 4 ой 2 кунни ҳар бир кунини ахлоқ

тузатиш ишлари жазосининг 3 кунига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланган жазодан чегириб, ўташ учун иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 7 ой 24 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини жазони назорат қилувчи органлар томонидан белгилаб берадиган жойларда ҳисобга олинган кундан бошлаб ҳисоблаб ўтаттирилсин.

Жиноят оқибатида жабрланган А.Мга етказилган зарар қоплангани инобатга олинсин.

И.С жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Кассация шикоятлари қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи:	имзо	Д.М
Ҳайъат судьялари:	имзо	А.И
	имзо	Б.Б

“Ажрим нусхаси аслига тўғри”

Вилоят судининг судьяси

Б.Б